

Менга М. Горькийнинг энг яхши асарларидан «Она»ни таржима килиш шарафи тушган. Мен уни анча узок муддат ичида таржима килдим. Чунки севардим, севганим учун бутун кўнглимни шунга кўяр ва шунга кўярдим. Асар ўзи одамни жуда кизиктиради, шунингдайки, таржима килатуриб ўзим асарнинг мафхумига берилиб кетаман-да, таржимани унутиб, асарни ўкиб кетаман. Шундай холлар менда кўп бўлди ва бир неча марта ўкугон жойларимда бўлди. Мен равшан сезаманки, улуг устод Горький ўзининг классик ижоди билан менга ўша ижоднинг мафтун таржимонига ўзим сезмаганим холда таъсирини ўтказиб кўйгон. Бу таъсир менинг рўманларимда ўзимга кўруниб туради.

Горький — одам дўсти. Бизнинг инкилоб рахбарлари Ленин ва Сталин, одам болаларининг хакикий душманларига карши омонсиз бўлган бу зотлар, асл инсонларни кандай олижаноб бир севги билан севадилар. Бунинг далили мингларча. Факат бир Лениннинг, ўша очлик ва кахатчилик йилларида, ўз номига келган (унинг ўзига атаб, олис вилоят ишчилари томонидан атайлаб юборилган) галлани ўша бўйича гўдак уйлари ва мактабларга бериб юборганини эсласак кифоя. Улуг Сталин тоглик кизи Мамлакат билан кўришаркан бу гамхўр отанинг юзидаги чин севинч оловининг алангаларини эслайлик! Шу биргина мисолнинг ўзи кифоя. Бутун мазлум башариятнинг неча юз, минг йиллик севгисини ўзида акс этдирган у юз ифодасига дўст кувониб, душман куяди. Ўша севинч олови, одам боласига бўлган хакикий мухаббатнинг у жилваси Горькийнинг асарларида тўлиб ётади. «Она»да Онанинг образи, София, касал (мум заводидидаги сил касал) ва бошка-бошкалар одам боласини севишда ёзувчининг кўнгли поёнсиз бир денгиз эканини кўрсатади. Горький одам боласига мунча меҳр ва мухаббат кўрсатган бўлса, бу унинг ўз кўнглидаги одам севиш хислатидангина келиб чиккан субъектив бир нарса эмас. Бу — ёзувчи мансуб бўлган Улуг синфнинг умумий хислати. Буни «Она»да Горький жуда ширин килиб айтади. Ишчилар бировга бир оз озор берганлар. Шу ҳақда улар орасида гап боради:

— Биз билан улар ўртасидаги фаркни кўрдингми: бировни сал уриб кўйибди-ю (бизникилар—Ч) энди кўнгли кир бўлиб, уялиб, озор чекиб юрибди. Хаммадан хам кўнгли кирлигини айт! («Она», 1-бўлим, 27-боб).

Горький — шоир. Унинг асарларида факат бир насрчи (романчи) кўринмайди, хар ер-хар ердан нозик кўнгулли, гўзаллик севгучи ва табиат мафтунни бир шоир келиб чиқади. Мен ўзим хар кандай насрли асарда (роман, хикоя) гўзал ташбехлар ва табиат тасвирларини яхши кўраман. Горькийда бу нарсалар кўп эмас, оз; унинг ширинлиги хам шундан. Улар жуда кўп бўлиб кетса, рассомнинг санъат асари колмайди-да, бўёкчи (сирчи)нинг андозасиз ва санъатдан махрум чизма чизиги қолади.

Горький хар кандай табиат манзарасини жонлантириб, унга жон киритиб, уни кўз олдимизга шундоқкина келиб тўхтайдигон килиб оладир. Унинг жонли романлари у ёк бу ёкда юборадилар: у тасвирлаган оловнинг алангаси ёниб турган курук хаво эмас, у ўйнайди, ўйнаб, кимирлаб сиз-бизга ўхшаган яшаб туради: «У ўт яна туташди, лекин бу дафъа илгаригидан кучлирок, ёругрок; кўлагалар яна ўзларини ўрмонга урдилар. Яна ўт тегарасига ёпирилиб келдилар ва гулхан атрофида, унсиз, ёвлар ўйинини бошлаб,

## Абдулхамид Чўлпон. Устоднинг хислатлари (1937)

Муаллиф:

13.03.2014 23:12 -

---

калтирашга тушадилар. Хўл шохлар ўтда жавраб дод-вой киладилар. Илик хавонинг тўлкинлари билан безовта килинган япроклар бир-бирлари билан кучоклашиб, дам сарик ва дам кизил рангларга кириб ўйнашар — учкунларини соча-соча, юкориларга кўтарилишар, куйган барглар учушар, кўкдаги юлдузлар эса учкунлани имлашиб, уларга табассум килишарди».

Горький ишчилар синфи етиштирган энг буюк санъаткор, санъат устоди.

---

Устоднинг хислатлари. — М. Горький вафотининг бир йиллиги муносабати билан ёзилган мазкур макола «Кизил Ўзбекистон» газетасининг 1937 йил 18 июнь сонида босилган. Маколада муаллифга 30-йиллар идеологиясининг сезиларли таъсири бордай, Чўлпон ҳам маддохлар сафига кўшилгандай кўринади. Бирок, шуни эсда тутиш лозимки, бу макола Чўлпоннинг матбуотдаги сўнги чиқишидир, уни ёзаётган пайт шоир хаёти кил устида эди.